Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 86 (20. 953) 1991 йил 7 май, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ЖИГАРИСТОНЛИКЛАР, ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗЛАР!

АХБОРОТ

1991 йил 4 май куни маҳаллий вақт билан соат 6 дан 45 минут ўтганда Ангрен шаҳрига қарашли Жигаристон қўрғонида ер силжиши содир бўлди. Бир неча киши ҳалок бўлди. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси табиий офат оқибатларини тугатиш учун жумҳурият ҳукумат комиссиясини тузди.

ЖИГАРИСТОН ҚЎРҒОНИ ВА БУТУН АНГРЕН ШАҲРИ АҲОЛИСИГА

Табиий офатдан ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва қариндошларига, азият чеккан аҳолига чуқур таъзия изҳор этаман.

Сизларни ишонтириб айтаманки, жумҳурият раҳбарияти ва ҳукумати табиий фалокат оқибатида зарар кўрганларнинг оилаларига ва ёр-биродарларига зарур ёрдамни бериш учун ҳамма чораларни кўрадилар, аҳолини хавфли жойлардан олиб кетиш ва кўчириш юзасидан шошилинч чораларни амалга оширадилар. Миллий анъаналарга биноан барча марҳумларга иззат-икром бажо келтирилади.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР Президенти.



СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Президенти, республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов жабрдийда Жигаристон аҳолиси билан суҳбатлашмоқда. В. ИЛЬИН («Постда» — «На посту» рўзномаси) олган сурат.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ АНГРЕН ШАҲРИГА ҚАРАШЛИ ЖИГАРИСТОН ҚЎРҒОНИДАГИ ТАБИИЙ ОФАТ (ЕР СИЛЖИШИ) ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТУВЧИ ЖУМҲУРИЯТ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ҲАҚИДА

Тошкент вилоят Ангрен шаҳрига қарашли Жигаристон қўрғонидаги табиий офат (ер силжиши) оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўриш мақсадида:

1. Қуйидаги таркибда жумҳурият ҳукумат комиссияси тузилсин:

Жўрабеков И. Ҳ. — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси

Ҳаққулов К. Ж. — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

Шарипов Т. Я. — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

Сайдалиев С. Д. — Тошкент вилоят ижроия комитетининг раиси, комиссия раисининг ўринбосари

Комиссия аъзолари

Алматов З. А. — Тошкент вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи

Аҳмадбоев А. Г. — Ўзбекистон ССР давлат кончилик ишларини хавф-хатарсиз ўтказиш устидан назорат қилиш комитетининг раиси

Ахметов Л. А. — Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти вазири

Боймиров Т. Б. — Ўзбекистон ССР Давлат сув хўжалиги қурилиши комитетининг раиси

Васенин В. А. — Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Волков Г. Г. — Ўзбекбирлашув бошқарувининг раиси

Гиниятуллин Р. А. — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги вазири

Исаев А. Н. — Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири

Искандаров И. Н. — Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати вазири

Каримов Ш. Н. — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазири

Лелеко А. И. — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Михайлов В. К. — Ўзбекистон ССР уй-жой коммунал хўжалиги вазири

Муродов Э. А. — Ўзбекистон ССР молия вазири

Мустафоев Б. М. — Ўзбекистон ССР прокурори

Ражибоев В. Ю. — Ўзбекистон ССР Фуқаролар мудофааси штабининг бошлиғи

Тошўлатов М. С. — Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш вазири

Усмонов М. З. — Ўзбекистон ССР савдо вазири

Шоёқубов Т. Ш. — Ўзбекистон ССР Давлат геология ва минерал бойликлар комитетининг раиси

Юнусов Р. Р. — Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари вазири

Юсуфалиев С. Ю. — халқ депутатлари Ангрен шаҳар Советининг раиси

2. Комиссия (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков) аҳолини фалокат содир бўлган жойдан олиб чиқиш ва кўчириш, уни жойлаштириш ва зарур турмуш шароитларини яратиш, ҳалок бўлганларнинг ва жабрдийдаларнинг оилаларига бир йўла ҳамда моддий ёрдам бериш юзасидан зудлик билан чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин.

Кўчкининг бундан буён силжиши олдини олиш тадбирлари шошилинч равишда ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин, бунинг учун Ўзбекистон ССР Фуқаролар мудофааси штаби, Ўзбекистон ССР вазирликлари ва идораларининг тегишли муассасалари сафарбар қилинсин. Кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

Ўзбекистон ССР
Вазирлар Маҳкамасининг Раиси .
И. КАРИМОВ.

1991 ЙИЛНИНГ 6 МАЙИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА МОТАМ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент областининг Ангрен шаҳри яқинида табиий офат рўй берганлиги — тоғ кўчиши оқибатида одамлар нобуд бўлганлиги сабабли Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. 1991 йилнинг 6 майи Ўзбекистон ССРда мотам куни деб эълон қилинсин.

2. Мотам куни:

Театр-томошагоҳ муассасаларининг, республика телевидениеси ва радиосининг кўнгилочар программалари бекор қилинсин;

Давлат муассасалари, жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг биноларига, шунингдек турар-жой биноларига Ўзбекистон ССР Давлат байроғи мотам ҳошияси билан осиб қўйилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 5 май.

ТАБИИЙ ОФАТ

Пойтахт областининг Ангрен шаҳридаги Жигаристон қишлоғида 4 май куни юз берган мудҳиш офат туфайли кеча жумҳуриятимизда мотам куни бўлиб ўтди. Радио ва телевизордан кун бўйи мунгли оҳанглар таралди, қора ҳошияли байроқлар қуйи эгилган.

Ўша куни тонг отар-отмас ҳали уйғониб улгурмаган қишлоқ узра кўтарилган чанг, кейин гумбурлаган хунук овоз бутун борлиқни ларзага солди. Кўз очиб юмгунча бешикларда ҳали уйғонмаган мурғак гўдаклар, бомдод намозини ўқиб улгурмаган ота-оналар, ҳовлиларни супуришга тутинган келин кабатлар тепалик остида қолдилар. Улар мангулик сафарига ҳозирлик кўрмасдан, авлод-аждодлари билан рози-ризолик тилашмасдан оламдан бевақт кўз юмдилар. Фалокат юз берган жойга ҳамма ёқдан одамлар йиғилди. Бундай пайтда одамнинг тили калимага келмайди. Икки юз минг кубометр ҳажмдаги тупроқ остига кўмилган хонадонлардаги одамларни қутқаришнинг иложи бўлмай қолди.

Тез орада шаҳар ва вилоят, жумҳурият раҳбарлари фалокат юз берган жойга етиб келишди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бу ерга келиб жабрдийда хонадонларга таъзия билдирди, одамлар билан суҳбатлашди, жумҳурият вазирликлари ва турли бошқармаларнинг раҳбарлари билан кенгаш ўтказди. Чунки ўша зиҳотиёқ зарур ва кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш лозим эди. Ўша дамларнинг ўзидаёқ ҳавф остида турган хонадонлар оилаларини билан Ангрен шаҳрида энди-гина қуриб битказилган янги уй-жой биноларига кўчирилди.

Жигаристон қишлоғидаги табиий офат оқибатларини тугатишда «Средазуголь»нинг кон-қутқарув хизмати, Туркистон Ҳарбий округининг граждан мудофааси қисми, «Электрохимпром» ва жумҳурият тез ёрдам кўрсатиш марказининг қутқарувчилари дастлабки мадад ва нажот ишларини олиб бордилар.

Биринчи бор қутқарилган хонадонлар орасида кончи Каримжон Мактаевнинг катта оиласи ҳам бор. Мазкур хонадондан бир неча киши ҳалок бўлди. Омон қолганларни эса вақтинча янги уйга кўчирилди ва кончининг хонадонига 1 минг сўм пул ёрдам тариқасида берилди. Бошқа жабрланган оилалар ҳам ҳар бири 500 сўмдан ёрдам пули ва кераклн рўзғор буюмларини олди. Бундан ташқари жумҳурият Қизил Ярим ой жамиятининг ўз вақтида берган саховати ҳам диққатга сазовор. Жамият ажратган маблағ ҳисобидан хонадонлар учун керакли буюмлар сотиб олинди ва ҳар бирига 200 сўмдан ёрдам пули берилди.

(Давоми иккинчи бетда).

Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

(Ҳадисдан).

Дўст дўстни кулфатда синар,
Одам одамни меҳнатда синар.

Кўнгилни дўст кўтарар.

Арғамчига қил қувват.

(Ўзбек халқ мақолларидан).

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИГА, РЕСПУБЛИКА КОМПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА

Ангрен шаҳри яқинида одамларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлган оғир табиий офат муносабати билан Ўзбекистон халқига самимий ҳамдардлик билдираман. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндош-уруғларига, жабр кўрган барча аҳолига чуқур таъзия изҳор қиламан.

М. ГОРБАЧЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ М. И. ИБРОҲИМОВГА

Ҳурматли ўртоқлар! Ўзбек халқи бошига тушган табиий офат, Жигаристон қишлоғида сел келиши ва кўчки натижасида 56 киши фожиали ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, қалбларимиз чуқур қайғуга тўлди. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига самимий ҳамдардлик ва таъзия билдирамиз. Табиий офат жабрдийдаларининг қайғуларига Ўзбекистон меҳнаткашлари билан биргаликда шеримкиз.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. И. ЛУКЬЯНОВ.

ССР Иттифоқи Советининг Раиси
И. Д. ЛАПТЕВ.

Миллатлар Советининг Раиси
Р. Н. НИШОНОВ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУКУМАТИ ВА ХАЛҚИГА

СССР ҳукумати Тошкент вилоятининг Жигаристон қўрғонида табиий офат юз бериб кўп одамлар ҳалок бўлгани муносабати билан Ўзбекистон халқига ва ҳукуматига самимий ҳамдардлик билдиради.

Жабрдийдаларнинг оилаларига, қариндош-уруғлари ва яқинларига таъзиямизни етказишингизни сўраймиз.

СССР Бош вазири
В. С. ПАВЛОВ.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Қирғизистон Жумҳурияти халқи ва шахсан ўз номимдан табиий офат — Жигаристон қишлоғида кўчки натижасида одамлар кўплаб қурбон бўлганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз. Биз дардингизга шеримкиз, Ўзбекистон халқига барча зарур ёрдам ва мадад беришга тайёрмиз.

Сизга самимият билан Қирғизистон Жумҳурияти Президенти Асқар АКАЕВ.

* * *

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Қирғизистон Жумҳурияти Олий Кенгашининг Раёсати қардош Ўзбекистон халқига унинг бошига тушган кулфат — Тошкент вилоятининг Жигаристон қишлоғида одамлар қурбон бўлишига олиб келган фожиа муносабати билан чуқур қайғу изҳор қилади. Ҳалок бўлганларнинг оилалари ҳамда қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлигимизни ва тазиямизни билдиришингизни сўраймиз.

Қирғизистон Жумҳурияти Олий Кенгашининг Раиси
М. ШЕРИМҚУЛОВ.

* * *

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, қадрли биродарлар! Фожиали хабарни эшитиб, ларзага келдик. Таъзиямизни қабул қилгайсиз. Сизнинг дардингизга, қайғунгизга шеримиз.

СССР Кинематографчилар уюшмасининг раиси
Давлат ХУДОНАЗАРОВ.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ ВАЗИРЛИГИ НЕГИЗИДА ЕНГИЛ САНОАТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ УЮШМАСИ (ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТ УЮШМАСИ)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жумҳурият енгил саноат бирлашмаларн ва корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, бозор муносабатлари шароитида уларнинг иши ҳамда Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги қонун амал қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, муассис ташкилотларнинг таклифлари ҳисобга олиниб:

1. Жумҳурият Енгил саноат вазирлиги негизида енгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон давлат уюшмаси (Ўзбекистон енгил саноати уюшмаси) тузилсин, унинг таркибига қуйидагилар киритилсин:

тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Ўзбектўқимачи» Ўзбекистон Давлат концерни;

тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган «Ўзбеккийим» Ўзбекистон Давлат концерни;

чарм-пойабзал саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган «Ўзбекпойабзал» Ўзбекистон Давлат концерни;

чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон чинниси» Ўзбекистон Давлат концерни;

юқорида санаб ўтилган концернлар тузилмасига кирмаган ва умумтармоқ вазифаларини бажарадиган бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ Ў. К. Исмоилов) ушбу Фармонни амалга оширишга доир ташкилий чораларни кўзда тутувчи тегишли қарорни тайёрласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 6 май.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР КОМИТЕТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг нуфус хусусиятларига алоқадор муаммоларни ҳал этишга, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга, аҳолини кўпроқ иш билан банд қилиш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга ниҳоятда муҳим аҳамият бериб:

1. Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети Ўзбекистон ССР меҳнат вазирлигига айлантирилсин, унинг зиммасига республика ҳудудида юқорида кўрсатилган фаолият билан боғлиқ масалаларни рўёбга чиқариш вазифаси юклатилсин.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ Б. С. Ҳамидов) бир ойлик муддатда мазкур вазирликнинг тузилиши тўғрисидаги низом ва таклифни тайёрласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 5 май.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ҚАРШИ, 6 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қашқадарё вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

А. Р. Отажонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан вилоят партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Илгари халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган Т. П. Хидиров яширин овоз бериш йўли билан Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ССЖИ Қуролли Кучлари бош штаби билан Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Ўзбекистон ССЖ фуқароларини муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирув ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини яхшилаш тўғрисида битим имзоланди. Битимга мамлакат Қуролли Кучлари бош штаби бошлиғининг ўринбосари Г. Ф. Кривошеев ва Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков имзо чекдилар.

Битимнинг асосий мақсади — суверен давлат бўлмиш Ўзбекистон ССЖ фуқаролари ҳарбий хизматчиларнинг ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоялашишини таъминлашдан иборатдир.

Иккала томон битимни тузишда суверен давлатлар Иттифоқи шартномаси лойиҳасининг ССЖ Иттифоқидаги ваколатларни чегаралаш ҳақидаги бешинчи моддаси талабларига амал қилдилар. Бу ўринда Иттифоқ субъектлари бўлган ССЖ Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг биргаликдаги ваколатига кирадиган ҳарбий масалаларни ҳал этишда яқиндан ҳамкорлик қилишнинг муҳимлиги ҳисобга олинди. ССЖ Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг мамлакат ҳудудида ҳарбий хизматга чақирув ва уни ўташнинг тартибини ўрнатишни биргаликда амалга ошириш экстерриториал принцип бўйича комплектланадиган ССЖ Иттифоқининг ягона байналмилал армияси қурилишининг ишончли асосидир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССЖдан фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирувни ўтказиш, уларни ҳарбий хизматни ўташ учун мамлакатнинг бошқа минтақаларига юбориш ҳамда Туркистон Ҳарбий округи ва Ўзбекистон ССЖ доирасида қолдириш қатъий равишда тузилган битим доирасида ССЖИ Қуролли Кучларини комплектлашнинг ҳудди ана шу экстерриториал принципини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

(Давоми иккинчи бетда).

• Бугун—Радио куни, барча алоқа тармоқлари ходимларининг байрами

ЯҚИН ДЎСТ ВА МАСЛАҲАТГЎЙ

● Телевидение ва радио ҳам бошқа оммавий ахборот воситалари қатори ҳаётимиздан тобора кенг ва чуқур ўрин олмоқда. Бугунги кунда жумҳуриятимизнинг бирор бир оиласини телевизор, радиоприёмник ёки радиорепродукторсиз тасаввур қилиш қийин. Буни тушуниш мумкин: телекўрсатув ва радиоэшиттиришлари одамларга янгиликлар ҳақида биринчи бўлиб хабар беради, жумҳурият, мамлакат, дунё янгиликлари хусусида сўзлайди; спорт репортажларини беради, саҳна асарлари, концертлар, фестивалллар, фильмларни намойиш этади, об-ҳаво маълумотларидан хабардор қилади.

Унинг мавзу доираси кенг — касби, маълумоти ва қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар ҳар бир одам ўзи учун билим, сабоқ ола билади. Бир сўз билан айтганда, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари кўлами ғоят кенг ва бойдир. Хабарларни беками-кўст, муддатида тайёрлаш ҳам ҳар биримизга юксак масъулият юкламоқда.

Кейинги йилларда рўй бераётган кенг демократия, ошкоралик, халқ депутатлари кенгашларининг роли ўсганлиги, миллий ўз-ўзлигини англаш ва сиёсий фаолликнинг кучайганлиги, телевидение ва радиоэшиттириш фаолиятини янада фаоллаштиришга ундамоқда. Шунинг учун ҳам жумҳурият Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси барча бўғинларининг иши тубдан қараб чиқилди, унинг таркибига ўзгартиришлар киритилди, ходимларнинг маҳорат, малака ва техник билимларини ошириш тадбирлари кўрилди.

Телевиденнеда илгари 12 бош муҳарририят ўрнига ахборот-мафкуравий фаолиятга йўналтирилган 5 та ижодий бирлашма ташкил этилди. Уларнинг таркибида ва радиоэшиттириш бош муҳарририятларида ижодий, малакали журналистлар, режиссёрлар, тасвирчилар ва бошқа мутахассислар гуруҳи иш олиб боряпти. Бундай бирлашма ва ижодий гуруҳларнинг ташкил этилиши ходимлар меҳнати самарадорлигини оширишда ҳам, телевидение ва радиоэшиттиришлар ғоявий-бадиий даражасини кўтаришда ҳам қўл келганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аввалги йиллардагидан фарқли ўлароқ, ойнаи жаҳон ва радио тўлқинларида жумҳуриятимиз, мамлакатимизнинг кенг кўламли ҳаёти ҳаққоний ва ёрқин акс этаётган материаллар кўпайиб бораётир. Буни ойнаи жаҳон ва радио муҳлисларидан келаётган хатлар оқимидан кузатиш мумкин.

Телевидение ва радио журналистлари кенг миқёсли мавзуларни ҳам дадил ва ошкора кўтариб чиқмоқдалар. Кейинги йилларда шинавандалар ҳукмига ҳавола этилган етим болаларнинг жамиятдаги ижтимоий ҳолати, ногиронлар ва қаровсиз қолган фуқаролар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши муаммолари, Орол денгизи фожиаси, миллатлараро муносабатлар ва бошқа кўтарилаётган кўплаб муҳим масалалар шулар жумласидандир. Телевидение ва радио орқали ўтказилган марафонлар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Улардан тушган маблағ турли жамият жамғармаларига ўтказилганлигини мамнуният билан айтиб ўтиш жоиздир.

Минглаб радио тингловчи ва ойнаи жаҳон томошабинларининг илтимосига биноан Ўзбекистонда истиқомат қилаётган тожик, қозоқ, татар, корейс, уйғур тилларида эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Радио орқали «Дўстлик тўлқинларида» дастури янграмоқда. Телевидениеда эса ҳафтада бир марта якшанба куни Марказий телевидениенинг иккинчи дастури орқали «Ҳамдўстлик» видеоканали бериб бориляпти. Бу Россия Федерацияси томошабинларига ҳам манзур бўлаётир.

Радиоэшиттириш ижодий жамоаларида материалларни беришнинг янги услублари қўлланилмоқда. «Бевосита мулоқот» эшиттиришларида радиотингловчилар жумҳуриятимизнинг қай бир бурчида бўлмасин ўзларига тегишли саволлар билан мурожаат қилмоқдалар. Унда турли соҳаларнинг раҳбарлари фаол иштирок этаётирлар. Шу ўринда чет эл учун радиоэшиттиришлар ҳажмининг ошганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Илгари бундай эшиттиришлар етти тилда олиб бораётган бўлса уларнинг сафига пушту тили муҳарририяти ҳам қўшилди.

Республикамизда телевидение ва радиоэшиттиришни янада ривожлантириш учун биринчи навбатда ахборот хизматини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, «Машъал» жумҳурият радио станцияси эшиттиришларини кечаю-кундуз олиб боришни мўлжаллаяпмиз. Телевидение ва радиоэшиттириш дастурларининг ғоявий-бадиий даражасини янада ошириш, уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва «Ахборот» дастурини яхшилашни йўлга қўймоқчимиз. Буларнинг ҳаммаси ҳар биримизнинг маҳоратимиз ва билимимизни такомиллаштиришга, ҳар бир кўрсатув ва эшиттиришни пухта тайёрлашга ундамоқда. Бу юксак вазифаларни ўз вақтида бажариш учун ҳар биримиз бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилишимиз зарур.

Ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Мамлакатда қайта қуриш жараёнлари янада юксак суръат билан бормоқда. Ҳар бир кунимиз миллионлаб кишилар билиши зарур бўлган воқеалар билан бой. Телевидение ва радиоэшиттириш барча ходимларининг бурчи ана шу воқеа ва янгиликларни ҳар бир киши онгига ўз вақтида ва холисона етказишдан иборатдир.

Г. ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитасининг раиси.

ЖИГАРИСТОНЛИКЛАР, ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗЛАР!

Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ
Ўрта Осиё ва Қозоғистон диния бошқармаси раиси, муфти, СССР халқ депутати.

ШАҲИДЛАР

Азиз мусулмонлар ва биз билан маслакдош, фикрдош бўлган турли миллатга мансуб биродарларимиз! Шу кунларда оғир мусибатдамиз. Жумҳуриятимиз халқи бошига ташвишли кунлар тушди.

Оғир мусибат бошланган куни диний бошқармамиз вакилларидан беш киши бўлиб дарҳол воқеа содир бўлган жойга етиб бордик. Ўша аснода жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов омон қолган аҳоли билан суҳбатлашаётган, зарур тадбирларни кўришаётган пайт экан.

Азиз биродарлар! Муҳтарам Жигаристон аҳолиси. Сизнинг бошингизга тушган қайғу ва ҳасрат барча мусулмонлар ва жумҳуриятимиз халқи бошига тушган қайғудир. Ҳадисларда айтиладики, барча мусулмонлар бир тану бир жондирлар. Инсон танасининг бирорта аъзоси оғриса, унинг бошқа аъзолари ҳам бу дардга шерик бўлгани каби, мусулмон кишилар бошига тушган бу жудолик ҳам барча мусулмонларнинг бошига тушган қайғудир.

Оллоҳ таоло инсонларни ибодат қилиш ва уларни синаш учун яратган. Оллоҳ Қуръони каримда марҳамат қилиб айтадики, биз сизларни хавф билан, очлик билан зарар етказиб синаймиз. Шундай синаганимизда кимки қаерда бўлмасин бевақт ҳалокатга учраса, биз Оллоҳнинг бандаларимиз, барчамиз Оллоҳнинг ҳузурига қайтамиз, деб етган мусибатга рози бўлсинлар. Ундай кишиларга жаннат мушарраф бўлиши ҳақида хурсандчилик хабари бошқаларга етиб борсин. Уларга Оллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бўлсин. Улар ҳидоятда юрганлардан бўлади. Шу оятда айтилганидек, мана бугунги кунда жигаристонлик биродарларимиз — сизларга катта синов бўлди. Энди бу синов яхши ўтишининг йўли юз берган мусибатга сабр қилиш ва бундан олдин юз берган камчиликларимизни қайтадан тўғрилаб, қилган хатоликларга тавба қилиб, инсофга ва диёнатга қайтиш лозим бўлади.

Шариатда бундай фожиали ўлимни шаҳид дейдилар. Шунга биноан ногаҳон ёпирилган тупроқ остида қолиб ўлган жигаристонлик биродарларимиз ҳам шаҳидлардир. Уларнинг ҳаётда қилган барча гуноҳлари кечирилишини, жаннатга доҳил қилинишини Оллоҳ таолодан сўраймиз.

Мусулмон динимизда инсон шахси жуда ҳам муносиб улуғланади. Шунинг учун уларнинг тиригига ҳам, ўлигига ҳам зинҳор ва базинҳор озор бермасликка даъват этилади. Ана шу инсонпарварлик фикридан келиб чиқиб, марҳумларни ювишда, кафанлашда ва ҳатто уларни тобутини кўтариб боришда ҳам ортиқча озор бермасликка даъват этилади.

Биз дин аҳллари сиз биродарларимизнинг бу мусибатингизга шерик бўла туриб, сизларни яна бир бор сабр ва матонатга даъват этамиз. Диний бошқармамиз, иншоолло бу қишлоқнинг аҳолиси учун ҳар қандай маънавий ва моддий ёрдамни кўрсатишга ҳозирдир.

Жигаристон қишлоғининг аҳолиси — азиз биродарларимиз, фалокатда нобуд бўлган кишиларнинг руҳини Оллоҳ таоло раҳмати қилган бўлсин, барчангизга сабр-қаноат тилаймиз.

ТАБИИЙ ОФАТ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Фалокат оқибатларини тугатишда етарли ёрдам қизғин бораётган дамларда Ангрен шаҳар халқ депутатлари Советининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Сотиболди Юсуфалиев билан бафуржа гаплашиб бўлмади. Унинг бирор дақиқа ҳам тиними йўқ. Бир оғиз сўз ортиқчалик қилади. У кишига «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг кўп сонли муштарийлари ва жамоасининг билдирган таъзиясини изҳор қилдик. У ғамгин ва айни пайтда дадил. Ҳамдардликни қабул қилди.

— Бундай оғир пайтда нима иш қилиши керак бўлса ҳаммасини қиляпмиз. Бундан ортиғи ортиқ.

Жигаристон қишлоғи аҳолисини қутқариш, унинг осойишта турмушини йўлга қўйиш, янги-янги уйларни бунёд қилиш учун республика штаби бетиним ишлаяпти. Телефон кетма-кет ҳамма шаҳар қишлоқлар билан боғланмоқда. Ҳамдардлик телеграммалари оқими тинмайди. Раҳбарлар ва мутахассислар турли ташкилотларнинг бажарган ишларини таҳлил қилишяпти, янги топшириқлар беришяпти. Гўё бу штаб уруш йилларидаги фронт қароргоҳини эслатади.

— Киши бошига оғир ташвиш тушганда, — дейди қисқа суҳбатимизда яна Сотиболди ака, — ҳамма бир жону бир тан бўлиб кетди. Бу ерда ўзбек ҳам, тожик ҳам, рус ва украин ҳам, қозоқ ва корейс ҳам — ҳаммаси жигарбанд ва биродарлар. Улар фақат матонат билан офат оқибатларига қарши курашяптилар. Одамларнинг бундай аҳиллиги матонати, саботи таъзимга лойиқ.


Яқин келгусида Жигаристон қишлоғи янгидан қурилади. Ўн гектар майдонда бунёд этиладиган янги маҳалланинг лойиҳаси ишлаб чиқиляпти, қурилиш ишлари бошлаб юборишга енг шимарилмоқда. Жигаристон қишлоғи аҳолиси Ўзбекистон ҳукумати ва халқининг узлуксиз кўрсатаётган маънавий ва амалий мададидан мамнун. Ота-боболаримизнинг дуолари билан айтганда, халқимизни бевақт ўлимдан, офатдан, бало-қазолардан ўзи сақласин, эртанги куни осуда, фаровон бўлсин, уйида ҳамиша чироқ порлаб турсин, яхши тўйлар ўтсин.

* * *

Жигаристон ҳалокати оқибатларини тугатиш юзасидан тузилган жумҳурият комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, вилоят ижроия қўмитаси раиси С. Д. Саидалиев, Ангрен шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Ў. Турғунов ва бошқалар қатнашдилар.

А. ПУЛАТОВ.






СУРАТЛАРДА: 1. Фожиа оқибатларини тугатиш бўйича штаб жеча-ю кундуз ишлаяпти. 2. Тиклаш ишлари.

С. ВЕЛИЧКИН (ЎзТАГ) олган суратлар.

Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот нашрларини тарқатиш бирлашмаси ишчилари бозор иқтисодиёти шароитида аҳолига алоқа хизматти кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирларини кўришяпти. Айни пайтда хизмат турларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир бу ерда 8 турдаги алоқа хизмати йўлга қўйилган.

Зиммадаги топшириқни тез ва соз бажариш — алоқачи касб маҳоратини белгилайдиган шартлардан бири. Бирлашма ишчи-хизматчилари хат, телеграмма, посилка қабул қилиш ва жўнатиш, газета-журналларни ўз вақтида обуначиларга тарқатиш ишларини ўрнига қўйиб бажаришга одатланишган.



СУРАТДА: посилка қабул қилиш оператори Раъно Юсупова ва назоратчи-телеграфчи Шаҳноза Назаржоновларни кўриб турибсиз.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

«ҚАРМОҚ» ХИЗМАТДА

Ўзбекистон радиосининг «Қармоқ» сатирик журнали фаолият бошлаганига етти йилдан ошди. Бу орада қанчадан-қанча порахўр ва қаллоб, ваъдабоз ва ичкиликбоз, бюрократ ва юлғич унинг қармоғига илиниб шармандаси чиқди. «Қармоқ»да номи тилга олинган баъзи ташкилотларда бир қадар тартиб ўрнатилди, камчиликлар бартараф этилди. Жамоатчи мухбиримиз жумҳурият радиоси ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар Бош редакциясининг катта муҳаррири **С. Сайдуллаев** билан суҳбатлашди.

— Саидмурод ака, «Қармоқ»ка тингловчиларнинг муносабати ҳақида гапириб берсангиз.

— Сатирик журналимиз ташкил топганига етти йилдан ошди. Жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан унга хатлар доимо келиб турибди. Кўпчилиги жойлардаги камчиликлар, етишмовчиликлар, бюрократ раҳбарнинг қўпол муносабатлари ҳақида. Биз ҳар бир шикоят мактубини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Уларнинг бир қисмини текшириш учун жўнатамиз, жуда муҳимлари билан ўзимиз шуғулланамиз.

— Хатлар қайси вилоятлардан кўпроқ келяпти! Уларнинг асосий мавзуи нималардан иборат!

— Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан. Шикоятларнинг аксарияти суд, прокуратура, милиция, алоқа, ижтимоий таъминот ходимлари устидан ёзилган. Шуниси қувончлики, хатларнинг ҳаммаси адресли, муаллифларининг исми-шарифлари тўлиқ кўрсатилган. Кейинги пайтларда баъзи жойларда ўзбек тилига давлат тили сифатида эътибор берилмаётганлиги ҳақидаги хатлар кўпайди.

— Шу масала юзасидан тўлиқроқ фикрингизни билишни истардик.

— Ҳақиқатан ҳам сўнгги вақтларда жамоатчилик жумҳуриятимиз давлат тили ҳақида кўплаб фикрлар билдирмоқда. Бу ғоят муҳим масалага бағишланган бир неча чиқишлар қилдик, жамоатчилик фикрини ўргандик. Хатлар асосида мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. Ҳар қалай, сезиларли ўзгаришлар бор.

— Жойлардаги баъзи раҳбарларнинг воқеликка лоқайд қарашлари, бир гап бўлар қабилида иш тутишлари, танқидий чиқишларга ўз вақтида жавоб бермаслик ёки номига жавоб хати жўнатиш ҳоллари учраб турибди. Бу кўпроқ ҳамон эскича ишлаб келаётган, қайта қуриш моҳиятини тушуниб етмаётган кишиларга хосдир. «Қармоқ» эшиттиришларидан сўнг жойларда ўзгаришлар бўляпти. Аммо танқиддан тегишли хулоса чиқармаслик ҳоллари ҳам учраяпти-ми!

— Ҳа, эски услубдан воз кеча олмаётган «қаҳрамон»ларимиз талайгина. Ўтган йилларда берилган эшиттиришларимиздан, уларнинг натижаларидан миннатдор тингловчилар кўп. Шу билан бирга бюрократ раҳбарлар устидан қайта-қайта шикоят қилиб, сарсон юрганлар ҳам топилади.

«Қармоқ»нинг эшиттиришларидан бирида Тўрақўрғондаги бир ғаройиб воқеа ҳикоя қилинди. Унда 65 ёшли Исмоилжон бобо Аҳадовнинг паспорт ололмай овора-ю, сарсон бўлиб юргани, отанинг ҳақиқатан ҳам ёшини исботловчи бир неча гувоҳларнинг оғзаки айтишлари, ёзиб беришларига қарамасдан халқ суди раиси З. Иброҳимов қайсарлик қилиб паспорт бериш масаласини ҳал қилмаганлиги баён этилади. Бунинг устига у отани ёмон гаплар билан ранжитган. Биз бу ҳақда батафсил ҳикоя қилдик.

— Энди янги режалар билан таништирсангиз.

— Яқинда «Қармоқ»нинг 200-сони эфирга чиқди. Мақсадимиз — доимо ҳақиқат учун курашиш, қайта қуриш ишига кўмаклашиш. Эшиттиришлар жонли, таъсирчан бўлишига янада эътибор берилади. Истагимиз шуки, «Қармоқ»нинг жамоатчи мухбирлари кўпайса, улар ранг-баранг материаллари билан тез-тез қатнашиб туришса.

Суҳбатни Ю. ҲАМДАМОВ олиб борди.

МАДАД

● Куни кеча Қарағанда кончиларидан олинган телеграммада бир қатор қардошлик сўзлари битилган. Қозоғистонлик кончилар Ангрендаги ҳамкасбларини ғам-ташвишда қолдирмаслик, бунинг учун яқиндан мадад беражакларини изҳор этганлар. Ана шунга биноан «Қарағандагипрошахт» илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари гуруҳи кеча кечаси самолётда Тошкентга етиб келди. Улар Ангрен шаҳри атрофидаги конлар ва маҳаллалар атрофида хавфсиз масканларни илмий ва амалий жиҳатдан синчиклаб ўрганадилар, қисқа вақт ичида ўша жойнинг ўзида хулоса берадилар. «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кончилари ҳамкасблари ҳимматидан таскин топадилар.

Ангрен шаҳридаги Жигаристон қишлоғида юз берган табиий офат ҳақидаги хабар бутун мамлакат бўйлаб тарқалди. Жуда кўп шаҳарлардан олинаётган таъзия телеграммаларида барча қардош халқлар ўзларининг чуқур ҳамдардликларини билдириш билан бирга яқиндан амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар. Бунинг учун бутун Ангрен ва унинг Жигаристон аҳолиси мамлакат халқларига миннатдорчилик билдирмоқда.

Бирлашма бош директорининг ўринбосари Ғайрат Иброҳимов бундай деди:

— Жигаристон қишлоғида асосан бизнинг кончиларимиз истиқомат қилишади. У ерда юз берган табиий офат ҳаммамизни чуқур қайғуга солди. Биз вазиятдан тўғри ва тез хулоса чиқариб дастлабки қутқарув ишларини олиб бордик.

Эндиликда навбатда юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга киришдик. Офат юз берган жой атрофида суриштириш ҳавфи бўлган яна бир катта тепалик бор. Унинг ҳажми 2 миллион кубометрга тўғри келади. Тепаликни тезда олиб ташлаш учун турдош корхоналар билан ҳамкорликда ишни бошлаб юбордик. Бизга «Гидроводхоз», «Гидроспецстрой», «Ўзбекшахтострой» сингари қатор ташкилотларнинг қудратли механизмлари ёрдамида ишчилар ёрдам беришаяпти. Тепаликни суриб ташлаш учун 5 та бульдозер, 3 та экскаватор ва 10 та самосвал машиналари тиним билмай ишламоқда. Бу ишни яқин ойлар ичида тугаллашимиз керак.

Бундан ташқари Жигаристон қишлоғининг азият чекқан оилалари учун янги 50 та уй қурилиши бошлаб юборилди. Бу иш бирлашмага қарашли Ангрендаги конлар қурилиш монтаж бошқармасига топширилган. Қисқа вақт ичида кончилар ана шу уйларга кўчиб киришади.

● Тошкент область соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Матлуба Бекназова:

— Вилоят шифокорлари даҳшатли фожиа юз берган куни тиним билмай ишладилар. Биз ўша куннинг ўзидаёқ сурилиш оқибатида шикастланган Раховларнинг хонадонидан олти кишини Ангрендаги шаҳар шифохоналарига ётқиздик. Улар орасида болалар ҳам бор. Беморлар саломатлиги яхши. Улар яқин орада ўз оиласи бағрига қайтишади.

Бошқармамиз ўша куни соғлиқни сақлаш ишлари бўйича барча соҳаларга доир мутахассисларни у ерга етказиб бордик. Қўшимча медицина пункти, тез ёрдам станцияси ташкил этилди. Айни пайтда 20 минг дона бир гал ишлатиладиган шприц, ноёб медицина ускуналари, бир неча ўн минг сўмлик дорилармонларни бепул тарқатдик. Бундан буён Жигаристон кончилари шифокорларнинг доимо узлуксиз назоратида бўлади.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Битимда Ўзбекистон ССЖ фуқароларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этишнинг айрим хусусиятлари келишиб олинган. Томонлар ижтимоий адолат принципини таъминлаш зарурлигини ҳамда ялпи ҳарбий бурч ҳақидаги, ССЖИ фуқароларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирув ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисидаги қонунлар ва қонунчилик актлари талабларига риоя этишни таъминлаш кераклигини эътироф қиладилар.

ССЖИ Мудофаа вазирлиги вакиллари Ўзбекистон ҳукуматининг мухтор вакиллари билан биргаликда ҳар йили чақирув ҳажмини кўриб чиқиш зарурлигини ҳам эътироф этишди.

Саломатлиги яхши бўлмаган чақирилувчиларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришга йўл қўйиб бўлмаслиги аҳдлашувчи томонлар фаолиятидаги асосий принцип деб ҳисобланади. Бу ишда ССЖИ Мудофаа вазирлиги, ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги, мамлакатнинг етакчи тиббиёт илмий муассасалари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ССЖИ Қуролли Кучларидаги тиббий текширув ҳақидаги низомга амал қилинади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ пайтида акаси ҳалок бўлган ёки ўлган чақирилувчилардан ота-онанинг розилиги билан ака ёки уканинг фақат бири тинчлик пайтида муддатли ҳарбий хизматга чақирувдан озод этилади. Мана шу асосга кўра озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлган чақирилувчилар бу ҳуқуқдан фойдаланмасликлари ҳам мумкин.

Битимда Ўзбекистон ССЖдан чақирилган фуқароларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташидаги баъзи хусусиятлар белгилаб қўйилган. Жумладан, қонуний никоҳда бўлган Ўзбекистон ССЖдан чақирилган фуқаролар Ўзбекистон ССЖ ҳудудида жойлашган ва юқорида кўрсатиб ўтилган бўлинмаларга хизматга юборилиши ҳақида келишиб олдилар.

Битимда чақирилувчилар, муддатли ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ССЖИ Қуролли Кучлари бош штабининг бурчлари келишиб олинган. Бош штаб навбатдаги чақирувни ўтказиш даврида тўпланиш ва қабул пунктларида, станцияларда, аэропортларда, шунингдек, темир йўл ва ҳаво транспортининг чақирилувчилар бораётган ҳамма йўлларида бутун шахсий состав томонидан ҳарбий интизомга риоя қилинишини таъминлаши керак. Янги чақирилувчилар тушган эшелонлар ва командаларга ҳамроҳлик қилиш учун ҳарбий қисмлар ва ҳарбий комиссарликлардан офицерлар, шунингдек, йўлда зарур устав тартибини таъминлашга қодир бўлган жамоат ташкилотлари вакиллари ажратилади.

Шу нарса муҳимки, эндиликда ҳарбий сиёсий орган жумҳуриятдан чақирилган ва қисмга етиб келган ҳар бир ҳарбий хизматчининг ота-онасига унинг қисмга етиб келганлиги ҳақида командирнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда ўғлининг хизмат жойи кўрсатилган хат ёзиб юбориши албатта керак.

Бош штаб муддатли ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлигига ва ижтимоий ҳимояланганлигига кафолатларни таъминлаш, ижтимоий таъминот ва ҳимоя қилиш юзасидан доимо изчил иш олиб боришни давом эттиради.

Бош штаб Ўзбекистон ССЖда маҳаллий миллатга мансуб ёшлар ичидан ССЖИ Мудофаа вазирлигининг ҳарбий ўқув юртларига кириш учун номзодларни танлаб олиш ва уларни шу ўқув юртларига юбориш бўйича собиқадамлик билан иш олиб бориш мажбуриятини олади, шунингдек, ССЖИ Қуролли Кучларининг барча турлари ҳарбий ўқув юртларига белгиланган ўрин доирасида ўзбек миллатига мансуб ёшларнинг танловдан ташқари киришини таъминлашга кафолат беради. 1991 йилда минг кишига қадар ўқувчи қабул қилинади.

ССЖИ Мудофаа вазирлигининг ҳарбий ўқув юртларига умумий асосларда кираётган Ўзбекистон ССЖдан бўлган абитуриентлардан билим юртларининг имтиҳон комиссиялари вакиллари томонидан Ўзбекистон ҳудудида имтиҳонларни қабул қилиш имкониятлари ҳақидаги масала кўриб чиқилади.

Бош штаб армия ва флотдаги «оқсоқоллик», «юртдошлик» ва бошқа салбий ҳолатларни тугатиш, ҳарбий интизомни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жанговарликни байналмилал руҳда тарбиялаш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-руҳий муҳитни яратиш бўйича талабчанликни кучайтиради.

Ўз навбатида Ўзбекистон ССЖ ҳукумати жумҳуриятдаги барча ёшларни чақириқ олди тайёргарлиги тадбирларига тўла қамраб олиш ва уни сифатли ўтказиш юзасидан барча зарур чоралар кўриш мажбуриятини олади. Жумладан, Ўзбекистон ССЖ ҳукумати ССЖИ ҳукуматининг норматив ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда ва муддатларда жумҳурият фуқароларининг чақирувини таъминлаш мажбуриятини олади.

Белгиланган муддатларда ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни хизматдан бўшаганида уларни жумҳуриятнинг жамоат ташкилотлари ва ўша ҳарбий қисмлар вакиллари ҳамроҳлигида доимий яшаш жойларига ёки ССЖИ Қуролли Кучлари турлари бирлашмалари ва жумҳуриятнинг маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари билан келишилган пунктларга олиб келиб қўйиш юзасидан барча чоралар кўрилади.

Битимда Ўзбекистон ССЖ ҳудудидаги қўшиндан ташқари хизмат отрядларини шакллантириш ва улар фаолият кўрсатишининг айрим хусусиятлари баён этилган. Шартлашувчи томонлар шуни эътироф этадиларки, тибиёт хулосасига кўра, ҳақиқий ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчиларнинг кейинги тақдирларини белгилаш масалалари тинч даврда фақат Ўзбекистон ССЖ ҳукуматининг ваколатида бўлади.

Битим имзоланаётгани, а жумҳурият ҳукумати ўзининг алоҳида фикрини баён этди. Ўзбекистон ССЖ ҳукумати ССЖИ Қуролли Кучларининг умумий сони ва ССЖИ аҳолиси умумий сонининг ўртача Иттифоқ нисбати билан белгиланадиган ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган жумҳурият фуқаролари сонининг процент нормативидан келиб чиққан ҳолда чақирилувчилар сонини ҳар йили кўриб чиқишни ҳамда Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва ССЖИ Қуролли Кучлари бош штаби ўртасида келишиб олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Чақирилувчилар сони белгиланган ўртача Иттифоқ нормативидан ошиб кетган тақдирда компенсация тўланади, унинг турлари, миқдори ва тартиби протоколларда кўрсатилади.

Битим имзоланган кундан бошлаб кучга кирди.

(ЎзТАГ).

СУВЕРЕН РЕСПУБЛИКАЛАР ИТТИФОҚИНИНГ ШАРТНОМАСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Республикамиз тақдирига бефарқ эмасмиз

Шу йил 5 апрелда «Республика мустақиллигини таъминлайдими?» сарлавҳаси остида берилган давра суҳбати материаллари муносабати билан рўзномамиз таҳририятига муштарийлардан кўплаб хатлар келмоқда. Қуйида шу мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Жиддий ўзгаришлар зарур

Лойиҳа кириш қисмининг охирги хатбоши «Республикалар халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоларидир. Улар ушбу шартнома қатнашувчиларининг манфаатларига ва уларнинг муштарак манфаатларига зиён етказмай, деган жумласидан сўнг, **«ўз Олий Кенгашларининг қарорлари асосида барча иттифоқдош республикалар билан бевосита алоқалар ўрнатадилар, хорижий мамлакатлар билан ҳам дипломатик, элчилик, консуллик, савдо-иқтисодий, маданий мухбир айирбошлаш ва бошқа барча алоқаларни ўрнатадилар. Мухтор элчихоналар, ваколатхоналар алмашиш, халқаро шартномалар тузиш ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаолиятида бевосита қатнашишга, айниқса, БМТга аъзо бўлишга ҳуқуқлидир»**, деб ёзиб қўйилсин.

Шартноманинг иккинчи қисми 7-моддасининг иккинчи сўзбошисининг биринчи ярми қуйидаги таҳрирда ёзилсин:

«Республикалар ўз ҳудудидаги ер усти, ер ости бойликларига, саноат, қишлоқ хўжалигидан олинадиган барча маҳсулотларга танҳо ўзи дахлсиз эга бўлиб, уларни Иттифоққа, иттифоқдош республикаларга ва хорижий мамлакатларга ҳам фақат жаҳон бозори нархларида сотадилар ва айирбошлайдилар».

Шу хатбошининг иккинчи қисми, — «Давлат мол-мулкининг шартнома асосида Иттифоқ зиммасига юкланган ваколатларини амалга ошириш учун унинг мулки қилиб мустаҳкамлаб қўйилган қисми бундан мустасно-дир» деган қисми тушириб қолдирилсин.

7-модданинг охирги хатбошисида «Иттифоқнинг ваколатларини рўёбга чиқариш учун ердан, ер ости бойликларидан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш республикаларнинг ССР Иттифоқи фаолияти учун зарур шароит яратадиган қонунлари доирасида амалга оширилади», деган жумла ҳам ортиқча.

Иккинчи қисмнинг 8-моддасидаги солиқлар ва йиғимлар масаласи бундай мужмал бўлмаслиги керак. Бу модда 73 йилдан буён давом этиб келаётган марказпарастлик мақсадларини амалга оширишни яна давом эттириш учун атайлаб шундай ёзилган. Бу мужмаллик Иттифоққа хоҳлаганча «тайёрига айёр» бўлиш қуроли бўлиб хизмат қилмоқда.

Учинчи қисм 13-моддасининг охирги хатбоши қуйидагича — **«Президент ҳар бир Иттифоққа кирувчи республикалар фуқароларидан альтернатив асосда чекланмаган номзодлар кўрсатиш билан Иттифоқ фуқаролари томонидан умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Кетма-кет икки муддатдан ортиқ сайланмасин»**, деб тўлдириб ёзилишига тарафдорман.

Иттифоқ шартномасига диалектик нуқтаи назар билан ёндашмоқ керак. Чунки ҳозир фан-техника революцияси даври, ижтимоий ҳаёт эса фазовий ҳаракат тезлигида ривожланиб бормоқда. Шу сабабли энг кўпи билан Иттифоқ шартномасини ҳар беш йилда қайта кўриб чиқиш кераклиги қайд этиб қўйилмоғи керак.

Р. ЭШОНҚУЛОВ,
меҳнат ва партия фахрийси Бухоро муаллимлар олийгоҳининг сиёсий тарих кафедраси доценти.

Чинакам тенглик келтирсин

Мен «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 5 апрель сонида Иттифоқ шартномаси лойиҳаси тўғрисидаги давра суҳбатида қатнашган олимларнинг фикрларига қўшиламан. Республика тақдирига бефарқ бўлмаган ҳолда ўз фикрларимни ҳам билдирмоқчиман.

Шартноманинг бу лойиҳасини шундоғича тасдиқлаб қўл қўйиш сира мумкин эмас.

1-модда Иттифоққа аъзолик ихтиёрий, тенг ҳуқуқли деб эълон қиладию, шу модданинг охирги бандида «шартнома қатнашчилари белгиланган тартибда...» деган изоҳ республикаларнинг Иттифоқдан чиқиш ҳуқуқини амалда бекор қилади. Бу изоҳ олиб ташланиши зарур.

ССР Иттифоқи Олий Кенгаши — Иттифоққа бевосита кирувчи республикаларда сайланадиган тенг сонли вакиллардан шаклланадиган бўлиши шарт (бир палата). Тенг сонли сайловчилар бўлган округлари бўйича сайланадиган Иттифоқ кенгашининг кераги йўқ. Акс ҳолда республикалар тенглиги таъминланмайди.

13, 14-моддаларда кўрсатилган **«ССР Иттифоқининг Президенти ва Вице-президенти альтернатив асосда сайланадилар»**, деган қўшимча билан тўлдирилиши шарт. Шунда демократия сақланади.

20-моддада рус тили ССР Иттифоқининг расмий тили деб ёзилган. Қани бу ерда тенглик? Нега рус тилига имтиёз берилади? В. И. Ленин айтган эдику, ҳеч бир тилга имтиёз йўқ деб. Бу моддани **«ССР Иттифоқида иш юритишда республикалар давлат тиллари тенг ҳуқуқлидир»**, деган жумла билан алмаштириш зарур.

Иш билан таъминлаш ва айниқса миграция фақат республикалар ихтиёрида бўлиши керак. Акс ҳолда кўчиб келиш кучаяверади. Кадрлар масаласини тўғридан-тўғри республикалар ўзи ҳал қилсин.

Марказий органларда ҳар бир республикадан вакиллар бўлиши шарт. Ҳозиргидай аҳвол сақланиб қолинса, бир миллат вакиллари ҳукмронлик қилаверади. Бу яна миллий низоларнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Ҳар бир миллий республика суверен давлат бўлгандан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида унинг вакили, чет мамлакатларда ўз элчилари бўлиши керак эмасми? Ахир бир суверен республика штат эмас, ССР штатлардан ташкил топган эмаску?

Б. СУЛЕЙМОНОВ,
Самарқанд шаҳри.

Фикрларни қувватлаймиз

Олимларимиз ўз фикрларини дадил баён қилганлар. Бизлар ҳам оила аъзоларимиз билан уларнинг давра суҳбатидаги фикрларига тўлиқ қўшиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Республикамиз ҳудудидаги ҳар бир қарич ер, бир қатра сув, ер ости ва ер устидаги ҳамма бойликлар ўзбек халқиники. Барча бойликларимизни ваҳшийларча талон-торож қилинишига йўл қўйилмаслиги керак. Фақат ўзаро келишилган шартномалар асосида бошқа республикалар ёки давлатлар билан алоқалар ўрнатилиши лозим. Миллион-миллион ўзбек халқи қатори биз йигирма кишилик онламиз аъзолари ҳам Ўзбекистонимизни мустақил давлат бўлишини истаймиз. Ҳамма раҳбарларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз бу йўлда изчил кураш олиб борадилар, деб умид қиламиз.

Н. РУСТАМОВ,
Бухоро вилояти.

Жаҳон бозорига йўл очсин

«Республика мустақиллигини таъминлайдими» мавзуидаги давра суҳбатини ўқидим. Референдумга қадар ҳам шу хилдаги мақолаларни ўқиганман. Қисқаси, менинг ҳамда қишлоқдошларимизнинг фикри: тер тўкиб, қад букиб етиштирган пахтамизни жаҳон бозорига ўзимиз олиб чиқайлик. Олтинимизни, олмосимизни, қорақўлимизни — хуллас жамики бойликларимиз масаласини жумҳуриятимизнинг ўзида ҳал қилиш зарур.

Ҳ. МАЛИКОВА,
Сирдарё қишлоқ кенгаши ижроия қўмитаси раиси. Сирдарё вилояти.

Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги негизида енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат уюшмаси (Ўзбекистон енгил саноат уюшмаси)ни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши — иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, шунингдек тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ривожлантириш ва оширишда иқтисодий манфаат, жамоалар ташаббуси, уларнинг тўла хўжалик мустақиллиги, ўз меҳнатлари натижаларини тасарруф этиш ҳуқуқи асосий омил бўладиган меҳнат шароитларини яратиш борасидаги амалий тадбирларнинг давоми бўлди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат корхоналари халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқараётган асосий корхоналар ҳисобланади. Улар йилига беш миллиард сўмликдан кўпроқ мол ишлаб чиқарадилар. Булар ип газлама ва шойи газлама, трикотаж ва тикувчилик буюмлари, пойабзал, чинни идишлар ҳамда бошқа халқ истеъмоли молларидир. Жумҳуриятимизда умуман ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларининг 30 фоиздан кўпроғи шу саноат ҳиссасига тўғри келади.

Айни вақтда бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръатлари жумҳуриятимизнинг мамлакат бошқа минтақаларидан ҳамда хориждан таширб келтирилаётган молларга қарамлигини камайтириш мақсади ҳамда вазифаларига тўла мос келмайди. Бошқа жумҳуриятларга ва хорижга етказиб берилаётган енгил саноат маҳсулотларининг умумий салмоғи етарли эмас.

Тармоқда юзага келтирилган ишлаб чиқариш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Бир қанча корхоналар зарар кўриб ишламоқда ёки кам даромад олмоқда. Корхоналарни бошқаришнинг амалдаги тизими уларнинг хўжалик фаолиятидаги ҳуқуқларидан тўла фойдаланишга, моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир тадбирлар туркумини амалга оширишга, истеъмолчилар талабини янада тўлароқ қондириш ва фойда олишга имкон бермасди.

Бирлашмалар, корхоналар барқарор ишлашини, уларнинг жўшқин ривожланишини, Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти ва жумҳурият вилоятларида ишлаб чиқариш кучларини иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда жойлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони билан енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат уюшмаси (Ўзбекистон Енгил саноат уюшмаси) тузилди, унинг таркибига Ўзбекистон Давлат концернлари: тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Ўзбектўқимачи», тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган «Ўзбеккийим», чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Ўзбекпойабзал» ва чинни идишлар ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон чинниси» концернлари, шунингдек умумтармоқ вазифаларини бажарадиган корхоналар ҳамда ташкилотлар кирди.

Бозор муносабатлари шароитида мазкур уюшма, унинг таркибига кирган концернлар ва корхоналар ўз фаолиятида катта мустақилликка, масалаларни ҳал этишда кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўладилар. Бу корхоналар жамоаларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдан, иложи борича кўпроқ фойда олиш учун моддий ва пул харажатларини қисқартиришдан манфаатдорлиги кучаяди.

Уюшма ва унинг аъзолари янги шароитда янгиланиш масалаларини ҳал этиш, тайёрланаётган буюмлар сифати ва рақобат қобилиятини оширишда амалий ташаббус ҳамда омилкорликни ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдор бўладилар.

Уюшма ва концернлар янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жориб этиш, хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар тузиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларидан кенгроқ фойдаланиш, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда бўлимлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашиш, концернлар ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларини ҳал этишлари керак.

Уюшмага тузилган шартномалардан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни зарур ускуналарга, хом ашё ва моддий ресурсларга алмаштириб сотишга рухсат берилади.

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига шарҳ

Жумҳуриятимизда ўткир ижтимоий-нуфус ҳолати вужудга келганлиги, меҳнатга лаёқатли аҳолининг жуда кўп қисми иш билан банд эмаслиги, меҳнат соҳасида, унга ҳақ тўлашда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда бир қатор ҳал этилмаган муаммоларнинг мавжудлиги Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетини Ўзбекистон ССР Меҳнат вазирлигига айлантириш тўғрисида Фармон чиқаришини зарур қилиб қўйди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар идораларининг амалдаги тизими мазкур муаммоларни ҳал этишга етарли даражада жавоб бермай қўйди. Илгари амал қилган комитет вазифаларининг доираси, фаолиятининг йўналиши ва тузилиши жумҳуриятимиз иқтисодиётининг бозор муносабатига ўтиши сабабли бугунги кун талабларига жавоб бермай қўйди.

Ўзбекистон ССР Меҳнат вазирлиги зиммасига:

бозор муносабатларини шакллантириш шароитида меҳнат ва унга ҳақ тўлаш соҳасида ягона умумдавлат сиёсатини ўтказиш;

меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан оқилона банд этишга эришиш;

меҳнат бозори аҳволини ўрганиш ва унинг келажагини таҳмин қила билиш, ишни, кадрларни ўз вақтида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, бўшатиб олинаётган ходимларни бошқа касбга ўргатиш ва уларга қайта таълим бериш;

жумҳурият ҳудудида ишга жойлаштиришнинг ягона тизимини (меҳнат биржаси) ташкил этиш, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ҳисобга олиш, уларни ўз вақтида ишга жойлаштириш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат муаммоларига сифат жиҳатидан янгича ёндашиш, уни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор шаклларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини таҳлил этиш ва давлат назоратини ўрнатиш вазифалари юклатилди.

Президентнинг Фармони — меҳнат, аҳолини иш билан банд қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш йўлида қўйилган янги реал қадам бўлди.

МАТБУОТ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Матбуот кунида анъанага мувофиқ таниқли журналистлар билан учрашувлар бўлди, сурат кўргазмалари очилди. Тошкентда оммавий ҳалқ сайили қатнашчилари ҳузурида бадиий ҳаваскорлик дасталари, моҳир санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг катта гуруҳига тантанали вазиятда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг дипломлари, бошқа мукофотлар топширилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров мукофотланганларни самимий табриклади.

(ЎзТАГ).

СССР ДАВЛАТ НАРХ КОМИТЕТИ ВА СССР МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Чакана нархлар ислоҳоти тевараги дидаги вазият кескинлигича қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларида чакана нархларни ошириш даражаси компенсация миқдорига мутлақо мос эмаслиги ва ҳатто халқни алдашгани ҳақида ёзилмоқда.

Шу муносабат билан СССР Давлат нарх комитети ва СССР Молия вазирлиги қуйидагиларни маълум қилишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Чакана нархлар ислоҳотига доир барча ҳисоблар 1990 йил план кўрсаткичлари асосида бажарилган эди. Улар умуман мамлакат бўйича ва жумҳуриятларда товар оборотини зарур даражада аниқ белгилашга, жумладан ишлаб чиқариш ҳажмини, молларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича уларни келтириш ва олиб кетиш ҳажмини аниқ белгилаш имконини берарди. Бу эса мамлакатда ва ҳар бир жумҳуриятда чакана нархларни ошириш умумий миқдорини етарли даражада тўла аниқлашга, шу жумладан компенсация тўловлари миқдорини аниқлашга имкон берди.

Амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланган нархларда товар оборати ва пуллик хизматнинг умумий миқдори 1991 йилнинг 1 январида 519 миллиард сўм деб белгиланди, бу эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ойига 149 сўмни ташкил этди. Бунда товар оборати ҳажмини ҳисоблаб чиқиш чоғида ўтган йили Эстонияда белгиланган оширилган янги чакана нархлар, маҳаллий идоралар қонунларни тўғридан-тўғри бузиб ва ўз ваколатлари доирасидан чиқиб қабул қилган қарорлари билан белгилаб қўйилган жуда кўп турдаги молларнинг ҳар хил тижорат ва «шартнома» нархлари ҳисобга олинган эмас.

Нархларни ошириш миқдори нархларнинг ҳар бир табақаси (белгилаб қўйилган, бошқариладиган эркин нархлар) бўйича уларни оширишнинг жумҳуриятлар билан келишилган энг юқори даражасига асосланиб аниқланди. Белгилаб қўйилган нархлар бўйича уларни ошириш ҳажми молларнинг аниқ турлари ва уларни сотиш ҳажми юзасидан кўзда тутилган нарх ўзгаришларидан келиб чиқиб бевосита ҳисоблаб аниқланди.

Молларнинг энг муҳим турлари бўйича аниқлик киритиб, шу ҳисобларни келтириб ўтамиз (миллиард сўм).

	Нархлар		Нархларнинг оширилиши	
	эски:	янги	ҳажми	фоиз
Озиқ-овқат маҳсулотлари	77,28	199,82	122,54	159
Шу жумладан:				
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (*)	24,23	72,70	48,47	200(*)
Сут ва сут маҳсулотлари, сариёғ	17,2	38,35	21,15	123
Дон ва дон маҳсулотлари, жумладан ёрма ва макаронлар	12,5	37,5	25,0	200(**)
Чой	2,5	5,0	2,5	100
Қанд-шакар	6,8	16,0	9,2	135
Туз	0,16	0,54	0,38	240
Тухум	5,1	10,2	5,1	100
Овқат концентратлари	0,5	1,5	1,0	200
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари (тансиқларидан ташқари)	4,84	11,13	6,29	130
Ўсимлик ёғи маргаринлар ва майонез	3,45	6,9	3,45	100
Ашёвий моллар	47,8	112,1	64,3	135
Жумладан:				
Болалар учун моллар	10,9	32,16	21,86	195
Тамаки маҳсулотлари (четдан келтирилганларидан ташқари)	5,39	8,14	2,75	50
Ички кийим, кийим, пойабзалнинг энг кўп чиқариладиган турлари	27,6	64,9	37,3	135
Маданий-маиший ва хўжалик моллари	3,42	6,01	2,59	75
Атирсовун ва кирсовун	0,46	0,92	0,46	100
Белгилаб қўйилган нархлар бўйича жами	125,05	311,91	186,86	149

Маълумки, чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга доир ССР Иттифоқи ва жумҳуриятлар битимида белгилаб қўйиладиган нархлар билан бир қаторда бошқариладиган ва эркин нархларни қўлланиш кўзда тутилиб, бу нархларнинг аниқ даражаси маҳсулот етказиб берувчиларнинг савдо ташкилотлари билан тузган битимига мувофиқ белгиланади. Ушбу нархларнинг ўзгариш ҳажми кўп жиҳатдан таҳминийдир. Улар аҳоли турли табақалари пул даромадлари ва меъёрдаги талабни ҳисобга олиб аниқланган. Бошқариладиган нархда сотиладиган маҳсулотлар юзасидан янги улгуржи нархлар даражаси ҳам ҳисобга олинган. Умуман эркин нархларда сотиладиган моллар юзасидан нархларнинг 63,4 миллиард сўм (96 фоиз) ортиши таҳмин қилинган. Бошқариладиган нархларнинг эса 53,3 миллиард сўм (75 фоиз) ўсиши таҳмин қилинган. Эркин ва бошқариладиган нархларнинг белгилаб қўйилган нархларга нисбатан камроқ оширилиши бундай молларни ишлаб чиқаришни олдин амал қилган нархларда камроқ дотация ёки келтирган зарари камлиги билан боғлиқ.

Мазкур битимда арақ, бензин, синтетик толадан тайёрланган буюмлар, рўзғорда ишлатиладиган ёқилғи, дорилармонлар, шунингдек мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка, 1990 йил 15 ноябрдан эркин нархларда сотилаётган заргарлик буюмлари, тансиқ таомлар, модали ва талаб катта бўлган моллар нархини, босма нашрлар ва айрим бошқа моллар нархини ошириш кўзда тутилмаган. Бу моллар товар оборотининг умумий ҳажми 189,6 миллиард сўмни ташкил этади.

Битимда пуллик хизмат соҳасида темир йўлда кира ҳақини 70 фоиз, авиацияда 80 фоиз, денгиз транспортида 140 фоиз ошириш кўзда тутилган. Шунингдек умуммиттифоқ алоқа хизматини 20 фоиз ошириш белгиланган. Ҳисобларга кўра тарифларни оширишнинг умумий ҳажми 7,3 миллиард сўмни ташкил этади.

Шундай қилиб, товар оборати ва пуллик хизмат умумий ҳажми 519 миллиард сўм бўлгани ҳолда нархлар ва тарифларни оширишнинг умумий ҳажми 311 миллиард сўмни ташкил этди. Моллар ва хизматларнинг барча турлари бўйича нархларни оширишнинг ўртача миқдори 60 фоиз баҳоланди. Нарх оширилиши муносабати билан ўз-ўзидан кўпаядиган солиқлар (тижорат солиғи, чет элдан маҳсулот келтириш учун тўланадиган солиқ) ўзгаришларини ҳисобга олганда маҳсулот қиймати ўзгаришининг умумий ҳажми бир йилга ҳисоблаганда 327 миллиард сўмни ташкил этади. Янги нархлар шу йил 2 апрелдан бошлаб жорий этилганлигини, шунингдек СССР Президентининг 1991 йил 5 апрелдаги фармонига мувофиқ тижорат солиғидан имтиёзлар рўйхати кенгайтирилганлиги ҳисобга олинса тўққиз ой мобайнида моллар ва хизмат қийматининг ўзгариши 240 миллиард сўм деб белгиланган.

Бу маблағ қандай мақсадлар учун ажратилди?

Биринчи навбатда аҳолига: ишловчиларга, пенсионерларга, талабалар ва ўқувчиларга, ҳарбий хизматчиларга, болали оилаларга компенсация тўловларининг барча турларига ажратилган. Тўққиз ойда ана шу мақсадга 188,3 миллиард сўм ажратилади. Бунинг устига компенсациянинг шу ҳажми СССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилган кафолатли энг кам миқдорга қараб ҳисобланган. Жумҳуриятлар ва корхоналар ўз маблағлари ҳисобидан компенсация тўлови миқдорини оширишлари мумкин.

Аҳоли гуруҳларига қараб компенсация тўловлари қуйидагича:

	миллиард сўм
Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг давлат секторида ишловчиларга	49,4
Ноишлаб чиқариш соҳасида ишловчиларга	35,5
Шу жумладан:	
Иш ҳақи ва маошни оширишга	10,7
Совхозлар ва колхозлар ходимларига	12,1
Болали оилаларга нафақа	47,6
Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қурувчиларга	7,7
Ўқувчилар ва талабаларга	5,7
Ишламайдиган пенсионерларга	29,2
Ишсизларга	1,1

Бундан ташқари ишлайдиган одамлардан даромад солиғи олиш шартларининг ўзгартирилиши бюджетга олинадиган пул миқдорини 8,5 миллиард сўм камайтиради, бу ҳам аҳолига қўшимча компенсациядир.

Бюджет ҳисобидан касалхоналарда, болалар уйларида, кексалар уйларида ва бошқа бюджет муассасаларида ишлатиладиган моллар нархи оширилиши эвазига жами 9,8 миллиард сўм компенсация тўланади, шундан озиқ-овқат маҳсулотларига компенсация тариқасида бюджет ҳисобидан 6,2 миллиард сўм тўланади, бу ҳам аҳолига бевосита компенсация тўлови ҳисобланади.

Шундай қилиб, аҳолига 203 миллиард сўм ёки чакана нархлар ўзгариш даражасининг 85 фоизи миқдорида компенсация тўланади.

Овқатланиш, кийим-кечак ва моддий таъминот учун харажатлар меъёрининг қиймати ошганлиги муносабати билан чакана нархларнинг оширилиши армия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини сақлашга харажатларни кўпайтиришни талаб қилди. Ана шу мақсадларга қўшимча 7,4 миллиард сўм ажратилади.

Маълумки, аҳолига ва соғлиқни-сақлаш муассасаларига сотиладиган дори-дармонлар нархи оширилган эмас. Шу муносабат билан аниқланган маълумотларга қараганда бюджетнинг қўшимча харажатлари 16 миллиард сўмга етиши мумкин, чунки мамлакатимизда тайёрланган дори-дармонларнинг улгуржи нархлари ҳамда чет элдан келтирилган дори-дармонларнинг битимда кўзда тутилган нархлари чакана нархлардан қимматроқдир.

Яна шуни ҳам кўзда тутиш керакки, СССР Вазирлар Маҳкамаси шу йил 6 апрелда ўқиш жойида умумий овқатланиш корхоналари хизматидан фойдаланадиган ўқувчилар ва талабалар кўпайган харажатларига компенсация тўлаш ҳақида қўшимча қарор қабул қилди. Бу қарорни амалга ошириш учун сарф-харажатлар тўққиз ойда 10 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этади.

Натижада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан компенсация тадбирларини ўтказишга, ноишлаб чиқариш тармоқларида иш ҳақини оширишга ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотларига мадад беришга ажратиладиган маблағнинг умумий миқдори 240 миллиард сўм қилиб белгиланган. Бу эса нарх ўзгаришининг миқёсларига амалда мос бўлиб тушади.

Келтирилган рақамлар чакана нархлар ислоҳотининг СССР ва жумҳуриятлар ҳукуматлари ўртасида келишилган кўрсаткичларни акс эттиради ва улар Олий Кенгаш кўриб чиқиши учун тақдим этилган ҳамда ислоҳотни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлган эди.

Ҳозирги вақтда ҳақиқий аҳвол ҳисобдаги кўрсаткичлардан фарқ қилади. Айрим жумҳуриятларда баъзи молларнинг нархи келишилган энг юқори даражадан ортиқ белгиланган, айни пайтда Ўрта Осиё жумҳуриятларида нон нархи сақлаб қолинган, бошқа бир қанча моллар нархи камроқ даражада оширилган. Мебель, қандолат маҳсулотлари каби товарларнинг эркин нархининг ўсиши ҳисобларда кўзда тутилганидан юқорироқ бўлди. Шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан келишиб, Темир йўл вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаҳар атрофига темир йўлда қатнаш тарифлари анча кўпроқ миқдорда оширилди.

Маҳаллий идоралар 2 апрелдан бошлаб битимда кўзда тутилмаган шаҳар пассажир транспорти, маиший хизмат ва айрим коммунал хизмат ва бошқа бир қанча хизматлар таърифлари ва моллар нархини ошириб, нархларни ошириш миқёсига салмоқли ўзгартиш киритдилар. Дастлабки ҳисобларга қараганда, бу тадбирлар нархларнинг умумий даражасини таҳминан 30 миллиард сўм кўпайтирди. Хизматлар нархининг бундай оширилиши ҳамма жойда ҳам бўлмаганлигини, тарифларнинг оширилиши асосан йирик саноат марказлари аҳолисининг даромадига таъсир қилганлигини айтиб ўтиш керак. Бу масалалар маҳаллий идораларнинг ваколатига киради. Бироқ улар ўз қарорларини умумий нарх ислоҳотига тўғрилаганликлари учун аҳолига қўшимча харажатларни қоплашлари тўғрисида жон куйдиришлари лозим эди.

ССР Президенти билан иттифоқдош жумҳуриятлар раҳбарларининг мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги қўшма баёнотига мувофиқ СССР Давлат нарх комитети ва СССР Молия вазирлиги жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан биргаликда яқин вақт ичида нарх-наво, айниқса, бошқариладиган ва эркин нархлар, шунингдек транспорт тарифлари билан боғлиқ ҳақиқий вазиятни аниқлаб таҳлил қиладилар ва энг кўп ижтимоий кескинлик келтириб чиқарувчи масалалар юзасидан таклифларни тайёрлайдилар.

(*) шу жумладан мол гўшти 3,65 баравар, парранда гўшти 1,64 баравар

(**) шу жумладан қора нон — 4 баравар, олий нав буғдой унидан пиширилган батонлар — 2,4 баравар.

• *1991 йил—Навоий йили*

«...НАВО БАХШИ БЎЛ»

Жарқўрғон район партия комитетининг бўлим мудири Шароф Муҳаммадиев бир сабаб билан Эрнест Зинанов ҳақида гапириб қолди. Жамоанинг манфаатини қаттиққўллик билан, ҳатто, зиқналик билан ҳимоя қиладиган ўзига маҳкам одам, деди.

Эрнест Зинанов олтмиш ёшни қоралаб қолган, жуссаси кичкина, бироқ, серғайрат одам. Жарқўрғондаги 48-автокорхонада директор. 1981 йили тухмат балосига йўлиқди. Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 152-бандининг 11-қисми ва 42-банди билан озодликдан маҳрум бўлди. Руҳи тушмади. Раҳбарликнинг юмшоқ курсисига ўрганган одам қора меҳнатдан бўйини товламади.

Минг кундан кейин у оқланди. Партия сафига тикланди. Лавозимга ҳам. Ҳеч кимдан гина-қудрат қилмайди. Ўпкаламайди. Ҳамон ўша-ўша зийрак, серғайрат, хушмуомала.

Яқинда унинг ишхонасида бўлдим. Ҳамсуҳбатлардан бири «Эрнест Галимзяновичнинг шахсий кутубхонасида икки минг китоби бор, бу киши Марксдан тортиб «Инжил»ни, ҳатто Қуръони каримни ҳам ўқийдилар», деб қолди.

— Рост-рост, — дейди Зинанов устма-уст киприк қоқиб. — Яқинда Европадаги капиталистик мамлакатларда саёҳатда бўлдим. Австрияда бизга русча-арабча «Қуръон» ни совға қилишди. Жуда мукаммал нашр, ўқияпман.

— Навоийни ҳам ўқийсизми?

— Навоийними? — деди Зинанов ва лабларини маҳкам қисиб бир пас жим қолди. Бу унинг хижолат тортганидан нишона эди. Китобларини олганман. Яшириб нима қиламан, яхши тушунмайман. Шунинг учун ... Лекин учта-тўртта ҳикматини ёддан биламан. Бир шеъри жудаям гўзал:

Навосиз улуснинг наво бахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

Тўғриси, шу шеър туртки бўлиб, бултур корхонамиз маблағидан вилоят болалар уйига минг сўм пул ўтказишни таклиф қилдим. Бу йил ҳам минг сўм ўтказдик. Шу қишда районимиздаги «Сказка» болалар боғчасига етти минг сўм ёрдам бердик. Бунинг учун болалар мендан, яъни бир «зиқна» директордан ёки корхонамиздан эмас, аввало ҳазрат Навоийнинг бизга берган сабоғидан миннатдор бўлсинлар, дейман. Қариган сайин китобга ўч бўлиб қоляпман. Навоийни ўқишга энди киришаман.

Орадан кўп ўтмай шу райондаги «Сурхон» давлат хўжалигининг боғбони Бадалхон Бўриев деганнинг чорбоғида бўлдим. Бу ерда ҳам Навоийдан гап очилди. Бўриев, тўғриси кўп китоб ўқимайди, «Навоийни кам тушунаман», дейди. Лекин тасодифни қарангки, Бўриев ҳам «Навосиз улуснинг наво бахши бўл» ини ёддан билади. Шу элга наво бахши бўлишга ўзини сафарбар этган одамлардан экан. Бу ўринда мен Бўриев эллик бешга кириб фалонча боғ яратди, бир дарахтнинг ўзида пайванд йўли билан ўн хилча мева етиштирди, йилига фалонча кўчатни хўжаликка етиштириб беради, деб гапни чўзиб ўтирмоқчи эмасман. Бир нарсани таъкидлайман: Бўриев бултур Мексикадек иссиқ мамлакатдан келтирилган хохоба деган ўсимликдан 28 дона мева олди. Бу зорбат 1987 йили Сурхондарёда учта жойда ўтқазилганди. Унинг яшаб кетишига деярли ҳеч ким ишонмаганди.

Шубҳалар бежиз эмас экан. Хохоба фақат Бўриевнинг қўлига «ўрганди». Ҳозир айтиб ўтганимиздек, ҳосил берди. Хохоба мевасидан олинган мой совуқда музламайди, минг йил ишлатилса ҳам айнимайди. Демак, унинг меҳнати юртнинг бирон ҳожатига асқотяптими, элнинг наво бахши бўляптими, шунинг ўзи унга бас.

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Булунғур ноҳиясининг «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» давлат хўжалигида «Комсомол» маҳалласи бор. Унга кўп йиллардан бери уруш ва меҳнат ветерани, эл оқсоқоли Маҳрам ака Бегбоев бошчилик қилиб келмоқда. Унинг эл-юртга қилаётган беҳисоб хайрли ишларидан барча аҳоли мамнун.

Бундай хайрли ишларда маҳалла аъзолари ва фаолларидан А. Бегбоев, Г. Аликулова, А. Очилов, О. Пардаевларнинг хизматлари алоҳида бўлмоқда. Жамоатчи сураткашимухбир Т. ДАВЛАТОВ олган ушбу суратда маҳалла аъзоларининг навбатдаги зарур ишлар ҳақида ўзаро маслаҳатлашаётгани акс этган.

Мерос

ИМОМ БУХОРИЙ НОМИ БИЛАН ЭШИКЛАР ОЧИЛДИ

1975 йили Қувайтга саёҳатга борганимда энг катта Масжиди жомеъсини кириб кўрмоқчи бўлдик. Масжид қоровули: «Сизлар Совет Иттифоқидан келган экансизлар, мумкин эмас», — деди. Мен орадан олдинга чиқиб: «Наҳну муслимуна, мин билади Имам Бухарий» (Биз мусулмонлармиз, Имом Бухорий юртидан келганмиз) дедим. «Ас-салам алайкум, тафаззал, марҳабо» (Ассалом алайкум, марҳамат қилинглар, марҳабо») деб оёғимизга биттадан шиппак берди ва масжид ичкарисига олиб, таҳоратхонадан бошлаб, хонақо, иккинчи қават, ҳаммасини зиёрат қилдирди. Шунда мен кўзимга ёш олиб, Имом Бухорий қандай буюк сиймо бўлгани, бутун ислом оламига машҳур эканликларини тасаввур қилган эдим. Саёҳатдан қайтиб андижонлик, бир неча йил банк мудири бўлиб ишлаган, жумҳурият аҳамиятига молик нафақахўр мўътабар ота Муллака деган киши билан учрашиб қолиб, Қувайтда бўлган воқеани айтиб бердим. У киши кўзига ёш олиб, энди сўзни биздан эшитинг, деб гап бошлади.

У КУНЛАРНИНГ ЮЗИНИ ТЕСКАРИ ҚИЛСИН

Биз тўрт киши 1950 йилларда ёз пайти машинада Самарқанд ва Бухорога саёҳат қилдик ва Хартангга бориб Имом Бухорий қабрларини зиёрат қилмоқчи бўлдик. Мақбара атрофи ташландиқ аҳволда, ўт босиб кетган, бир оддий киши қоровуллик қилиб ўтирибди. Бизга киришга рухсат бермади, хўп илтимос ва илтижо қилдик. «Ҳукумат таъқиқлаган, қўёлмайман» деб туриб олди. Наҳотки, шу ерга атайлаб келиб, буюк аллома қабрларини зиёрат қилолмай кетсак. Бир амаллаб буюк имом мақбарасини зиёрат қилиб, йўлимизга равона бўлдик. Қоровул машинамиз номерини билиб олган экан...

Бу хабар Андижонга ҳам бориб етган. Бу миллатимиз ва халқимизнинг фахри бўлган буюк аллома нисбатан ўз диндаридаги муносабатнинг кичик бир мисоли эди.

ЗИЁРАТНИНГ БОШИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасида узоқ йиллар муфтий бўлган марҳум Зиёвуддин ибн Эшон Бобохоннинг бир суҳбатларида мен шуларни эшитган эдим:

1956 йил Ливаннинг Тарабулус шаҳри бош муфтийси, парламент аъзоси, йирик ислом олими Шайх Надим ал-Жиср Совет Иттифоқига меҳмонга келган экан. Москвада ундан «Қаерларни кўрмоқчисиз?» дейишганда, «Биринчи зиёратим Имом Бухорий қабридан бошланади» деган экан. Москвада бундай жойни билишмабди. Тошкентга телефон қилишибди. Каттalардан бирортаси билмабди. Шунда Зиёвуддин қори акага мурожаат қилишибди. У киши Имом Бухорий қабри Хартанг деган жойда эканлигини айтиб, бирга бориб кўрсатган эканлар. Мақбара жамоа хўжалигининг омбори, темир-терсак ва ташландиқ нарсаларга тўлиб ётган экан. Пахта терими вақти, одам йўқ. Қори ака ташаббуси ва масжид одамлари иштирокида мақбара 5—6 кунда таъмир қилиниб, меҳмон кутиб олинган экан. Бошқа томонларга кўзи тушмасин деб меҳмонни тонг қоронғусида олиб келишибди. Қабр устида ўлтирганича Қуръонни бутун тиловат қилибди. Дуойи фотиҳа қилиб бўлиб, «Сизларнинг президентинглар ким?» деб сўрабди. Тошкентда Олий Кенгаш раиси Ё. Насриддинова ҳузурида бўлган суҳбатида Шайх Надим: «Менинг кўп китобларим босилган. Жуда бой кишиман. Имом Бухорий қабрини тупроқлари билан бирга баббаравар тиллага ўлчаб оламан ва юртимга олиб бориб қўяман» деган экан.

МУҚАДДАС МАЖМУА

Маълумки, исломнинг асосий рукнлари, қонун ва қоидалари Қуръони каримда мужассамлашган, лекин у мусулмонлар ҳаётидаги барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларни тўла қамраб ололмаган. Шунинг учун ислом қонуншунослиги (фиқҳ)да ҳадис Қуръондан кейин иккинчи ўринда туради. Бу Пайғамбар алайҳиссалом томонидан айтилган сўзлар, ибратли панд-насиҳатлар, Исломнинг баъзи масалаларга оид кўрсатмалари, Пайғамбар алайҳиссаломнинг сафдошлари (саҳобалар), қариндошлари, оила аъзолари томонидан Пайғамбар ҳақларида айтилган ривоятлар мажмуасидир.

Пайғамбар алайҳиссалом вафотидан кейин (632 йил) ҳадисларни бевосита у кишидан эшитган кишилар ҳам секин-аста камайиб бориб, кўп ҳадислар бузилиб кетиши, ёлғон ҳадисларни тўқиб чиқариш ҳоллари юз бера бошлаган. Шунинг учун ислом оламида ҳадисларни тўплаш, уларни саҳиҳ (ҳақиқий, тўғри), иштибоҳли ва ёлғонларга ажратиш масаласи кўндаланг бўлиб турарди.

VIII аср бошида Мадина, Басра, Куфа ва Дамашқдаги ҳадис тўпловчилар ва уларни биладиганларни «китобийлар» деб аташган. Бундайлар орасида энг машҳурлари Ибн Шаҳоб аз-Зуҳрий, Яҳё ибн Саъд ал-Ансорий, Ибн Журайжлардир. Лекин улар йиққан ҳадислар тўпламлар шаклида сақланиб қолмаган.

Ҳадисларни йиғиш, тўплам шаклига келтириш Пайғамбар алайҳиссаломни кўрганларни кўрган иккинчи ва учинчи авлод вакиллари тилидан ёзиб олиш ва тартибга солиш саккизинчи аср охиридан бошланди. Ўнинчи асрга келиб бутун ислом олами тан олган олтита ҳадислар тўплами вужудга келди. Булар Имом Бухорий, Имом Муслим ибн Ҳажжож (821—875), Имом Нисоий (830—915) ва Имом ибн Можа (824—886)лар тўплаган ҳадислардир. Самарқандлик машҳур муҳаддис Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Дорамий Самарқандий ҳам (797—868) юқоридагилар қатори тилга олинади.

Энг фахрлиси шуки, номи зикр қилинган машҳур ҳадис олимларининг ҳаммаси Хуросон ва Ўрта Осиёдан



бўлиб, учтаси ҳозирги Ўзбекистоннинг Бухоро, Термиз, Самарқанд шаҳарларидан етишиб чиққан алломалардир. Бу муҳаддислар араб олимлари қилолмаган оғир машаққатли ишни бажардилар, шунинг учун минг йилдан ортиқ давр ўтса ҳам, бутун ислом дунёсида улар тан олиниб, асарлари ўрганилиб, ўқитилиб, қўлдан тушмай келмоқда.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ АМИРАЛМЎМИНИ

Ҳадис илмининг амиралмўмини, имомларнинг имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Бухорийдир.

Имом Бухорий ҳижрий 194 (милодий 810) йили Бухорода туғилади. Шу ерда ўқиб диний таълим олгач, 825 йили онаси ва биродари Аҳмад билан Маккага ҳажга бориб ўша ерда қолиб кетади. Бу ерда илмини такомиллаштириб Пайғамбар ҳадисларини тўплаш, улардан қайси бири Пайғамбарга тааллуқли эмаслигини аниқлаш мақсадида Мадина, Шом, Миср, Фаластин, Ироқ шаҳарларини кезиб, бир неча йил бадавий араблар орасида юради. Шу тариқа ранжу машаққатлар чекиб, ўзининг машҳур асари «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончлик мажмуа»)ни ёзади. Мазкур асар «ас-Саҳиҳ», «Саҳиҳи Бухорий» номлари билан ҳам юритилади. Бу мусулмонлар ўртасида энг обрўли, энг ишончли ҳадислар тўплами ҳисобланади. Бухорий 600 минг ҳадис тўплаган, шулардан 7275 тасини (такрорлари билан) «ас-Саҳиҳ» китобига киритган. Шу асар туфайли Имом Бухорий ҳозиргача бутун ислом мамлакатларида машҳур бўлиб келмоқда.

Имом Бухорий 864 йили Нишопурга қайтади. У ерда бир муддат турғач, она юрти Бухорога йўл олади. Шаҳарга бир тош масофа қолганда бутун Бухоро халқи унинг истиқболига чиқиб, дирҳам ва динорлар сочиб кутиб олишади. У ерда бир муддат турғач, Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий Имом Бухорийни саройга келиб болалари ва сарой аҳлини ўқитишга буюради. Олим бунга кўнмай илм керак бўлса, уйимга ёки масжидимга келиб ўрганишсин, дейди. Амир уни Бухородан чиқиб кетсин деб фармон беради. У Самарқандга йўл олади, Ҳартанг деган жойга (ҳозирги Пойариқ ноҳиясида) келганда касал бўлиб ҳижрий 256 (870 йили) вафот этади. Ҳозир унинг қабри бутун ислом дунёсидан келган сайёҳларнинг муқаддас зиёратгоҳидир.

Имом Бухорий ҳадисшунослик, тафсир ва тарих илмлари соҳасида бир қанча асарлар ёзган. Шулардан бизгача маълум бўлганлари 15 тадир. Улардан «Жомеъ ас саҳиҳ», «ал-Адаб ал-муфрат», «ат-Тарих ас-сағир» («Кичик тарих»), «ат-Тарих ал-авсад» («Ўртача тарих»), «ат-Тарих ал-кабир» («Катта тарих»), «ат-Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир») кабиларни кўрсатиш мумкин.

БЕҚИЁС МАНБАЪ

Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари бутун ислом оламида ижод этилган илмий-тарихий ва адабий асарлар муаллифлари томонидан истифода этилиб, уларнинг асарларида ишлатилган. Халқ оғзаки ижоди ва мусулмон халқларининг кундалик ҳаётига сингиб кетган. Навоий достонлари ва ғазалларида ва ундан кейинги бутун ўзбек шоир ва адиблари ижодида ҳадислардан самарали фойдаланилган. Мактаб ва мадрасаларда ўқитилган. Масжидларда ва бошқа жойлардаги бирорта йиғилиш, маърака ҳадисларсиз ўтмаган. Халқларни яхши ҳулқли қилиб тарбиялашда ҳадислар беқиёс аҳамиятга эга бўлган.

Афсуски, инқилобдан кейин ҳадислар фақат диндорлар ўртасидагина тилга олиниб, халқ оммаси улардан бутунлай бебаҳра қолиб кетган ва бу таълим-тарбия ишида жуда катта салбий из қолдирган. Фахр-ифтихоримиз бўлмиш буюк Имом Бухорий тўплаган ҳадисларга қайтиш, булардан халқимизни қайтадан баҳраманд қилиш имконияти қайтадан тикланди.

«Саҳиҳи Бухорий» китобидан ақл-одобга оид ҳадислар «Фан ва турмуш» ойномасида босиб чиқарилмоқда ва алоҳида китобча шаклида ҳам нашр этилди.

АҚЛ-ОДОБ МАШЪАЛЛАРИ

Мана Имом Бухорийнинг яна бир машҳур асари «ал-Адаб ал- муфрад» («Адаб дурдоналари») китобининг қисман ўзбек тилига қилинган таржимаси яқинда чоп этилди. Таржима филология фанлари номзоди Шамсуддин Бобохонов томонидан амалга оширилиб, «Ўзбекистон» нашриёти томонидан 1990 йилда чиқарилди (197 бет). Китобга таржимон томонидан муқаддима (3—12-бетлар) ва охирида муҳаррир, филология фанлари номзоди Асрор Самаднинг «Пайғамбар, дин ва диндорлик» номли мақоласи илова қилинган (176—188-бетлар). Таржимон ёзган муқаддимада ҳадисларни тўплаш тарихи ва машҳур муҳаддислар ҳақида сўз юритилиб, Имом Бухорийнинг қисқа таржимаи ҳоли, унинг ҳадисларини тўплашда қилган машаққатли ишлари ҳақида гапирилган, унинг асарлари рўйхати ҳам берилган. Муқаддимада «ал-Адаб ал-муфрад»нинг босма матнлари, қўлёзмалари ва унинг аҳамияти ҳақида ҳам айтиб ўтилган.

Юқорида зикр қилганимиз олти нафар тан олинган ҳадис олимлари томонидан тўпланган Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларида ахлоқ-одоб масаласи асосий ўринда туради. Чунки мусулмон бўлиш учун энг аввало яхши ҳулқли, одобли, инсофли, пок ва ҳалол бўлиш шарт. Бу олижаноб хислатларни ўзида мужассамлаштирмаган одам «мен мусулмонман» деёлмайди. Бу ҳолда Пайғамбар алайҳиссалом ўзлари: «Мен яхши ва олий аҳлоқларни камолатга етказиш учун Пайғамбар қилиб юборилдим» деганлар. Шунинг учун ҳам Имом Бухорий ўзининг шоҳ асари машҳур тўрт жилдлик «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»да одоб ҳақидаги ҳадисларни битта китобга жамлади. Бу олимни қониқтирмагандан кейин, бутун ислом оламини яхши ҳулқ ва одобда тарбиялашни кўзда тутган ҳолда ахлоқ ва одобга оид ҳадисларни алоҳида бир китобга тўплаш ниятида ўзининг «ал-Адаб ал-муфрад» номли ушбу асарини ёзган. Асар 644 бобдан иборат бўлиб, уларда 1322 ҳадис жамланган. Бу китобда бошқа муҳаддислар асарларида учрамайдиган бир қанча ҳадислар ҳам берилган. Асарнинг яна бир қимматли томони шуки, ундаги ҳадислар ёзиб олинган исноднинг (яъни ҳадисларни ривоят қилганлар) бошқа муҳаддислар исноднларига нисбатан ишончли кишилар бўлган.

«Ал-Адаб ал-муфрад» қўлёзмалари Шарқ ва Ғарбнинг жуда кўп китобхоналарида мавжуд. Асар 1898 йили Ҳиндистонда, икки марта Константинада ва 1930 йилда Қоҳирада чоп этилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташаббуси билан 1970 ва 1980 йиллари икки марта араб тилида нашр этилди. Биринчи марта ўзбек тилига ағдарилган ушбу китобда «ал-Адаб ал-муфрад»дан 267 боби олинган бўлиб, булар 600 ҳадисдан иборат. Баъзи ҳадислар таржимаси бир ўринда берилиб, иккинчи марта келганда такрорланмаган.

Ҳадисларни изоҳсиз бериш ўқувчига улар маъносини тўла тушуниш имконини бермаслигини ҳисобга олиб, таржимон Ш. Бобохонов баъзи ҳадисларга изоҳлар ҳам илова қилган. Мутаржим араб тилининг билимдони ҳамда Қуръон ва ҳадислардан яхши хабардор бўлгани учун таржима муваффақиятли чиққан, бунга ҳеч шубҳаланишга ўрин йўқ.

ОТА-ОНА ДИЛИГА ОЗОР БЕРМАНГ

«Ал-Адаб ал-муфрад»нинг 1—24-боблари ота-онага хизмат қилиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, айниқса, қариган чоғида уларни эъзозлаб парвариш қилиш, дилига озор бермаслик, уларнинг ҳаққини адо этиш масалаларига бағишланган.

Баъзи мисоллар келтирамиз:

3-ҳадис. Муслим ибн Ҳаййида (разияллоҳу анҳу) айтадиларки, **Расулуллоҳдан: «Эй, Расулуллоҳ, мен яхшилигимни** кимга қилсам бўлади?»—деб сўрадим. **«Онангга»** — дедилар. Мен шу саволимни уч мартаба қайтарсам ҳам, **Расулуллоҳ: «Онангга»** — деявердилар. Тўртинчи мартаба сўраганимда: **«Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга»** дедилар (13-бет).

10-ҳадис. Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу) айтадилар: Расулуллоҳ: **«Боланинг отаси бировнинг қули бўлса, уни хожасидан сотиб олиб, озод қилмагунича, унинг ҳақини адо қилган бўлмайди,** — дейдилар (20-бет).

15-ҳадис. Абу Бакр (разияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ: **«Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?»** —деб уч марта сўрадилар. Саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, айтиб беринг», — дейишди. **«Аллоҳ Таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш»** дедилар (17-бет).

20-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-ОС айтадилар: Расулуллоҳ ҳузурларига жиҳодга (муқаддас урушга) боришни талаб қилиб бир киши келди. **Шунда Расулуллоҳ:** — **«Ота-онанг тирикми?»** — деб сўрадилар. У киши: «Ҳа, ота-онам борлар», — деди. **Шунда Расулуллоҳ: «Ота-онанг учун жиҳод қил!»** — дедилар (19-бет).

Таржима қилинган ҳадисларнинг 25—37-боблари қариндош уруғларга яхшилик қилиш, улар билан бордикелди қилиб туриш ва уларга раҳм-шафқатли бўлиш ҳақидаги ҳадислардир.

47-ҳадис. Бакр ибн ал-Ҳорис ал-Ансорий (разияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди. У киши Расулуллоҳдан: «Ё Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилишим керак?» — деб сўрадилар. **Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Онангга, отангга, опа-сингилларингга, ака-укаларингга ва яқин кишиларингга. Бу иш зарурий бурч ва узилмаслиги керак бўлган қариндошликдир»,** — дедилар (29-бет).

56-ҳадис. Анас ибн Молик (разияллоҳу анҳу) айтадилар: **«Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам): «Ризқи кенг ва фаровон бўлишини ва ҳаёти узоққа боришини яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин»,** — дейдилар (33-бет).

63-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Авфо (разияллоҳу анҳу) айтадилар: **«Расулуллоҳ: «Ораларида силлан раҳм (яъни қариндош-уруғлар билан боғланиб, уларга яхшилик) қилмайдиган киши бўлган қавмларга Аллоҳ Таолонинг раҳмати нозил бўлмайди»** — дедилар. (34-бет).

ЯГОНА КИТОБ

Келтирилган намуналар кўрсатиб турибдики, номи ўзи билан «ал-Адаб ал-муфрад» адабларнинг ягона китоби, дурдонасидир. 1200 йилдан буён ислом оламида инсонларда яхши, олижаноб хислатларни тарбиялаш, уларни тўғри йўлга солиш, пок, имонли, эътиқодли, инсофли бўлишга чақириб, ёмон иллатлардан сақлаб келаётган бебаҳо асар ҳозирги бизнинг давримизда ҳам ўз қимматини ҳеч йўқотмай, ҳаётимизнинг ҳамма талабларига тўла жавоб беради. Аммо бундай дурдонадан инқилобдан кейин халқимиз бутунлай бебаҳра бўлиб келгани ачинарли ҳолдир. Ҳозирги кунда ёшларнинг баъзилари ичкиликбозлик, ўғрилик, безорилик, қаллоблик, фоҳишалик йўлларига кириб, мусулмон деган муқаддас номга доғ тушириб, ўзбек халқи шанига иснод келтираётган бир даврда «ал-Муфрад»нинг ўзбек тилига ағдарилиши муҳим ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларимизни иллатли, ифлос ва қабиҳ йўллардан қайтаришда шубҳасиз ўз ижобий таъсирини кўрсатади, деган умиддамиз.

Таржимон Ш. Бобохонов бу фахрли ва шарафли ишни охирига етказиб, асарнинг тўла таржимасини изоҳлари билан нашр эттиришларига имонимиз комил.

Ҳамма нашр этилган асарларда бўлгани каби ушбу таржима ҳам жузъий нуқсонлардан холи эмас: Айтайлик, Имом Бухорий исми китоб тепасида Имом Исмоил Бухорий деб ёзилган. Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, деб ёзиш керак эди. Ҳадисларни ривоят қилган пайғамбар саҳобалари, яқин кишилари ҳақида қисқа изоҳлар берилса, яхши бўларди. Асарни чоп этишда нашриёт томонидан айрим имло хатоларга йўл қўйилган: «разияллоҳу» сўзи ҳамма жойда «розиёллоҳу», «ахлоқ» сўзи «аҳлоқ», «муҳсин—миҳсин» (97-бет.) кабилар. Шарқ тилларидан қилинган таржималарга шарқшунос олимлардан бирон киши масъул муҳаррир этиб тайинланиши шарт. Бизнингча, китоб баҳосини 8 сўм 90 тийин қўйилиши ҳам маъқул эмас. Халқимиз бундай асарларга муҳтож, қанчага бўлса ҳам олаверади. Лекин ҳар ишда инсоф бўлгани яхши. Бинобарин, Пайғамбаримизнинг **«Ҳайрул умури** авсатуҳо» (ишларнинг энг яхшиси ўртача бўлганидир) деган ҳадисларини ҳам унутмаслик керак.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ДУРДОНАСИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛГАН «АДАБ ДУРДОНАЛАРИ» КИТОБИ ХУСУСИДА

СПОРТ

КУРАШ:

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● ЛОНДОНДА халқаро курашнинг таэквондо тури бўйича Европа чемпионати ўтказилди. Мусобақа халқаро федерация қоидасига биноан ташкил этилди. Биринчилик учун беллашганлар орасида тошкентлик Ботир Мамедов ҳам бор эди. У баҳс дастурига мувофиқ иккита олтин медаль олди. Унинг ҳамшаҳри О. Ким эса кураш техникасидан самарали фойдалангани учун бронза медалига сазовор бўлди. Умум ҳисобда СССР терма жамоаси кумуш, хотин-қиз курашчилар бронза медалларини қўлга киритдилар.

ХОККЕЙ:

ОМАД ЮРИШМАДИ

● МАЪЛУМКИ Совет хоккейчилари Финляндияда бир неча кун давом этган Европа ва жаҳон чемпионатида кўтаринки руҳда баҳслашиб мухлисларни қувонтиришган эди. Улар қитъа чемпиони бўлиб қолгач, жаҳон биринчилиги учун курашда сусткашликка йўл қўйдилар. Якунловчи учрашувни Швеция жамоаси билан ўтказиб (1:2), имкониятни бой беришди. Бу эса жаҳон чемпионатининг бронза медали билан қаноатланишга мажбур этди. Швеция жамоаси эса жаҳон чемпиони бўлди. Канадаликларга кумуш медали насиб этди. АҚШ хоккейчилари тўртинчи ўринда қолишди.

ФУТБОЛ:

СОВРИНДОРЛИК БАҲСИ

● СССР КУБОГИ учун ним чорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Жумҳуриятимиз жамоалари иштирокидаги ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Автомобилист» (Қўқон) — «Амур» (Благовещенск) — 1:0, «Химик» (Жамбул) — «Нефтяник» (Фарғона) — 1:0, «Сурхон» (Термиз) — «Навбаҳор» (Наманган) — 0:1.

СПОРТЛОТО

● **18 ТИРАЖ ўйинларида қуйидаги ютуқли рақамлар маълум бўлди. «45 дан 6»: 6, 14, 18, 28, 32, 39. «36 дан 5»: 9, 11, 21, 24, 32.**

Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги вазирликнинг кадрлар танлаш, уларни тайёрлаш ва иш ҳақи бўлимининг бошлиги Э. В. Орифжоновга опаси
Зури ОРИФЖОНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети аппарати жамоаси масъул ходими М. А. Миназаровга отаси
Аҳмаджон МИНАЗАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги Маданий обидаларни муҳофаза қилиш бўйича Вош илмий лойиҳалаштириш бошқармасига қарашли Юнус Ражабий уй-музей раҳбарияти, касаба уюшмаси жамоаси Ўзбекистон халқ ҳофизи Х. Ю. Ражабийга акаси
Юсуф РАЖАБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва житимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-31, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; бегатиш — 32-57-22.
93 МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 4-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5381.

№ 86. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12